

МУСТАҚИЛЛИК ХУҚУҚ ДЕМАҚДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**Б.А.ДЕХҚОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ
ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ - РЕСПУБЛИКА
ҲАРБИЙ ПРОКУРОРИ ЛАВОЗИМИГА
ТАЙИНЛАШ ҲАҚИДА**

Баҳодир Акбаралиевич Деҳқонов - Ўзбекистон
Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари - Республика
Ҳарбий прокурори лавозимига тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 1999 йил 5 май.

Баҳодир Акбаралиевич Деҳқонов 1963 йилда туғилган, миллати ўзбек.
Маълумоти олий, ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилдан бошлаган. 1986-1996 йилларда
Қорақалпоғистон республикаси прокуратураси бўлими прокурори, Нукус
шаҳар прокурорининг, Қорақалпоғистон республикаси прокурорининг
катта ёрдамчиси, шу прокуратуранинг бўлинма бошлиғи, Андижон вилояти
прокуратураси тергов бўлими прокурори, Ўзбекистон Республикаси
прокуратурасининг тергов гуруҳи бошлиғи, Андижон вилоят прокурорининг
ташқилий-назорат ва таҳлил қатта ёрдамчиси, Ўзбе-кистон
Республикаси прокуратураси ташқилий-назорат ва таҳлил бошқармаси
прокурори, бошлиқ ўринбосари, Андижон вилояти, Избоскан туман
прокурори, 1996 йил март ойдан Ўзбекистон Республикаси Президенти
Девонининг масъул ходими лавозимларида ишлаган.

Тадбир

Республикада қабул қилинаётган янги фармон ва қарорлар, қонунлар, амалга оширилаётган
ислохотлар моҳияти ва аҳамиятини аҳоли онига чуқур сингирмай туриб, ҳуқуқий демократик
жамият қуриб бўлмайди. Бу вазифа бугунги кун прокурорини ҳам нафақат қонун ҳимоячиси, айна
пайтада фаол қонун тарғиботчиси бўлишга даъват этади.
Меҳнат жамоалари, ёшлар, хотин-қизлар билан юзма-юз учрашувлар, амалий мулоқотлар ўтказиш
- қонунларни халққа тушунтириб боришнинг энг самарали тарғибот воситаларидан биридир.
Республика Бош прокурори, 2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси У.Худойкулов аҳолининг
ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий онгини ўстиришда ана шу воситалардан унумли фойдаланишни барча
прокуратура идоралари олдига муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйганлигининг боиси
ҳам шунда.

БОШ ПРОКУРОР ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА



Айниқса, бугунги кун ёшлари
га ҳар томонлама эътибор за-
рур. Қолаверса, 16 феврал во-
қеалари уларга нисбатан бе-
парволик қандай нохуш оқибат-
ларга олиб келишидан огоҳлан-
тириб, барчамизга катта сабоқ
бўлди.

Республика Бош прокурори
У.Худойкуловнинг Тошкент Дав-
лат университети талабалари,
профессор-ўқитувчилар жамо-
аси билан юзма-юз учрашуви
кўпчиликда алоҳида қизиқиш
уйғотгани бежиз эмас. Бир
томондан, Республика проку-
ратураси идоралари фаолияти
доимо ёшларни қизиқтириб кел-
са, иккинчи томондан мамла-
катда жиноятчиликка қарши
кураш аҳоли юзасидан ҳисоб-
бат бериб бориш, ҳолис, ҳақко-
ний ва тезкор маълумотлардан

аҳолини хабардор қилиб туриш
бошқача айтганда, ошқоролик
тамойили прокуратура фаоли-
ятининг муҳим йўналишларидан
биридир.

Университет маданият сара-
йида бўлиб ўтган учрашувни
ТошДУ ректори, Олий Мажлис
депутати Т.Долимов очиб,
бугунги тадбир Республика про-
куратураси раҳбариятининг
ташаббуси билан амалга ош-
ганлигини таъкидлади.

Учрашувда сўзга чиққан Бош
прокурор У.Худойкулов янгила-
наётган жамиятимизда амалга
оширилаётган ҳуқуқий исло-
хотлар ҳақида гапирар экан,
Президент Ислам Каримовнинг
Олий Мажлис XIV сессиясидаги
маърузасида белгилаб берил-
ган, мамлакатни иқтисодий
ижтимоий ривожлантиришнинг

асосий масалаларига алоҳида
тўхталиб ўтди.

Президентимиз маърузасида
белгилаб берилган долзарб
вазифаларни рўёбга чиқариш
қонунларнинг беками кўст ва
сўзсиз ижросини таъминлаш
билан бевосита боғлиқ, - деди
Бош прокурор. - Шу сессияда
яна бир қатор янги қонунлар
ҳам қабул қилиндики, улар мам-
лакат ҳаётида муҳим аҳамият
қасб этади. Сессияда Пре-
зидент томонидан қўйилган ўта
долзарб вазифалар, қабул қи-
линган қонунлар тарихий исло-
хотлар даврининг навбатдаги
босқичида тараққиётимизнинг
муҳим мезонлари бўлиб ҳисоб-
ланади. Бундай улуввор ишлар-
ни рўёбга чиқариш эса мамла-

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8
йиллиги олдинда ҳафтанома таҳририяти
республикамиз вилоятларига бағишланган
махсус саҳифалар бериб боришни
режалаштирган.
Ушбу сонда Самарқанд вилояти прокуратураси
фаолиятига бағишланган материаллар
билан танишасиз.

УШБУ СОНДА

«ДАЪВАТЧИ»

Қабиҳлар ниятидан
халқ хоҳиш-иродаси
ҳамиша кучли бўлган

6 бет

«КАВКАЗ» ИЗИДАН

Пойтахтда фаолият кўрсатган
йирик жипий тўдаалардан
бирининг тўғатилиши.

7 бет

ҚАБРДАН ҚАЙТГАН УМР

Детектив
қиссанинг давоми

8 бет

БОШ ПРОКУРОР ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

(Бошланги 1-бетга).

катда осойишталик ва барқарорликни тўла таъминлаш, жиноятчиликка қарши қатъий қураш олиб бориш ва унинг олдини олиш билан чамбарчас боғлиқ. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, шу жумладан, прокуратура ҳам осойишталик ва барқарорлик кафолати бўлиб хизмат қилмоқда...

Бош прокурор мамлакатда жиноятчилик ва қонунбузилишларига қарши қураш ҳақида, хусусан, 16 феврал воқеалари билан боғлиқ баъзи жиний қилмишлар тўғрисида тўхталар экан, ёшлар эътиборини бир нарсага жалб этди: Ким бўлишидан қатъий назар, жиноят содир этган ҳар қандай шахсга жазо муқаррардир. Бу прокуратура фаолиятининг асосий тамойили сифатида қонун устиворлигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда, деди у.

Урашувнинг яқунловчи қисми савол-жавобларга бағишланди. Талаба ёшлар Бош прокурорга ўзларини қизиқтирган кўп саволлар билан мурожаат қилдилар.

Мана, улардан айримлари:

Савол: - Мухтарам Бош прокурор!

Жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирларида талаба ёшлар ҳам иштирок этиши мумкинми?

Бош прокурор: - Албатта, мумкин. Бишимча, талабалар шаҳарчасида милицияга кўмаклашувчи «Хуқуқ посбонлари» ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Хоҳлаган талабалор ана шу ташкилотга аъзо бўлишлари мумкин. Лекин ёшларимизга қарата бир нарсани айтмоқчиман. Бу ишга бош кўшмоқчи бўлган ҳар бир ёшнинг фикри, қалби тоза бўлмоғи керак.

Савол: - *Хурматли Усмон Чипозович! Бизнинг назаримизда, прокуратура ходимлари негадир ёшлар ҳузурида камдан-кам бўладилар. Сиз бунга нима дейсиз?*

Бош прокурор: - Жуда ўринли савол бердингиз. Мен фирингизга кўшиламан. Ҳақиқатан ҳам прокуратура ходимлари ёшлар билан кам учрашадилар. Бу камчилики барта-раф этиш юзасидан тегишли

ходимларимизга топшириқ берганман ва бундан буён прокурорларнинг ёшлар орасида бўлиб, мунтазам учрашиб туришларини таъминлаймиз.

Савол: - *Диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолган баъзи адашган ёшлар кечирим сўраб прокуратура ёки ички ишлар бўлимларига келса, уларга нисбатан чоралар кўрилади яки?*

Бундай ёшлар орасида қизлар ҳам борми?

Бош прокурор: - Яна бир қорра эслатиб ўтмоқчиман. Президентимиз 16 феврал воқеалари муносабати билан телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, кимки бош

идораларининг ўзида қонунбузарликлар ҳақида эшитиб қоламиз. Прокуратура идораларида бу соҳада қандай ишлар қилинапти?

Бош прокурор: - Афсуски, нопок кадрлар прокуратура идораларида ҳам йўқ эмас. Биз, халқдан сир сақлаётганимиз йўқ, чунки халқ ҳаммасини кўриб, билиб турибди. Очқайтишим мумкин - прокуратурада бундан буён қаттиқ чоралар кўрилади. Ҳозир ўз ораимизда тозалаш тадбирларини ўтказаямиз. Бир нечта нопок шахсларни жиний жавобгарликка тортдик. Прокуратура - улғу даргоҳ, Бу даргоҳда нопок одам ишлаши мутлақо мумкин эмас.



Суратда: Учрашувдан лавҳалар.

эгиб, кечирим сўраб келса, кечирамиз, уларга ҳеч қандай жазо, чора кўрмаймиз, деб айтган эди. Кўп ўтмай, мен ва Ички ишлар вазирини телевидение орқали сўзга чиқиб, Президентимиз айтган гапларни, ким пушаймон бўлиб, бош эгиб келса ота-онаси ҳам, ўзи ҳам кечирилишини маълум қилдик. Ҳозиргача билиб-билмай экстремистик гуруҳларга оралашиб қолган кўп адашган ёшлар прокуратура ёки Ички ишлар идораларига келиб, кечирим сўрадилар. Биз ўз ваъдамиз устидан чиқиб, уларни кечирдик, ўзлари ва ота-оналарига нисбатан ҳеч қандай чоралар кўрганимиз йўқ. Хотин-қизларга келсак, бундайлар жуда кам. Лекин, бирортасини ҳам жиний жавобгарликка тортганимиз йўқ.

Савол: - *Хуқуқ-тартибот*

Куч-қувватим борича, ана шу ишни давом эттираман.

Учрашув иштирокчилари 16 февралда террорчилик ҳаракатларини амалга оширган жиноятчиларга нисбатан кўзга тилган жиноят ишлари терговига оид бир неча саволлар билан ҳам мурожаат қилдилар. Бош прокурор саволларга жавоб берар экан, улар устидан бошланадиган суд жараёнидан сўнг барча далиллар билдириди.

Учрашувда Собир Раҳимов туман прокурори Эркин Абзалов, Республика прокуратурасининг қонунларни муҳасамлаштириш ва ҳуқуқ тартиботи бўлими бошлиғи С.Ортиқова ҳам сўзга чиқдилар.

Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар прокурори М.Найимов иштирок этди.

• Мусоҳаба



А.ХУСАИНОВ:

БҲҲК ДАВЛАТНИНГ

● Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган «Хуқуқ» кунларида Самарқанд вилояти прокурори, адлия қатта маслаҳатчиси А. Хусайновга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик. Қуйида мазкур саволларга жавобларни ўқийсиз.

-Алишер Абдуваҳобович, давр хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олдига улкан масъулиятларни кўндаланг қўйди. Сўхбатимиз аввалида айтиб ўтсангиз, вилоятда криминал вазилини барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши қураш, уларнинг олдини олиш, фош этиш аҳволи қандай? Бу борада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

-Вилоят прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши қўрғошга қаратилган, жумладан, вилоятда оғир ва ўта оғир турдаги жиноят турларига барҳам бериш, олдини олиш, диний экстремизм, терроризм, қўпурчилик ҳолатларига йўл қўймаслик ниятида тезкор-тергов ва профилактик тадбирларни ўтказмоқда. Албатта, белгиланган тадбирлар натижаларини бермай қолмапти. Гарчанд, ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан жиноятчилик сони 79 тага кўпайган бўлсада, ўта оғир жиноятлар 21,7 фоизга, товланмачилик 23 фоизга, фирибгарлик 32 фоизга, автотранспортларни олиб қочиш 41 фоизга, одам ўлимига сабаб бўлган йўл-улов ҳодисалари 10,8 фоизга камайганлигини кузатишимиз мумкин.

Албатта, вилоятда жиноятчиликнинг аксарият турларининг содир этилишини камайтиришга эришган бўлсакда, ҳали хотиржам ишлашимизга эрта. Негаки, талончилик 6 фоизга, қасддан оғир тан жароҳати етказиш 7,6 фоизга, гивандлик 9,7 фоизга ўсган. Шунинг учун, содир этилган жиноятлар устидан тезкор-тергов ҳаракатларини ўтказиш, вилоятда криминал вазилини барқарорлаштириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда маълум ходимлардан иборат тезкор гуруҳ тузилди, улар шу кунларда маълум тадбирларни олиб боришмоқда.

-Маълумки, давлатимиз озодлигини кўлга киритган кунлардан бошлаб миллий ҳуқуқчиликни мустаҳкамлаб қўйди. Бу ҳуқуқлардан

ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга иштирганлар ҳам учраб турибди. Сўнги вақтларда гайриқонуний фаолият олиб борадиган экстремистик гуруҳлар шулар жумласидир. Зеро, диний экстремистик гуруҳларга қарши қураш вилоятда қандай натижаларни бермоқда?

-Дарвоқе, ҳар ким эркинликни ҳар хил - ўз онги, тафаккури нуқтаи назарча тушунади. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, кимдир демократияни,

имтиёз деб тушунса, кимдир имконият деб ўйлайди. Аслида демократия Хуқуқдир. Яъни, тенгликдир. Давлатимиз инсон муҳофазасига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Афсуски, бу эътиборни нотўғри тушунганлар ҳам, ундан шахсий манфаати йўлида фойдаланиб қолишга интилганлар ҳам йўқ эмас.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорликда юртимиз, элимиз тинчлигини раҳна солиши мумкин бўлган қора ниятдагиларга қарши режали тарзда фаолият олиб бормоқда. Натижада диний экстремизм ҳолатлари билан боғлиқ бир қатор жиноятчилор қўлга олинди. Фош қилинган жиноятлар устидан 6 та жиноят иши кўзга тилди. 50 дан ортиқ шахслар ҳибсга олинди, жиний жавобгарликка тортилди.

Жумладан, 1994-1999 йиллар давомида Ургут шаҳри Суфийи маҳалласида истиқомат қилиб келган фуқаро М. Холмуродов (илгари воёга етмаганларни гайриқонуний равишда диний таълимотга жалб қилганлиги учун жавобгарликка тортилган) «Хезбут таҳрири исломи» ташкилотини тузган. М. Холмуродов жиний шериклари билан ҳамкорликда 400 дан ортиқроқ ёшларни ташкилотга жалб қилган. Бундан ташқари, М. Холмуродов вилоятимизнинг бошқа туманлари ва Самарқанд шаҳрида ҳам ёшларни уюшмага тортганлиги, шунингдек, у жиний шериклари билан биргаликда 1998 йил давомида 5000 га яқин таъқиқланган, қўпурчиликка чорловчи диний адабиётларни Самарқанд ва Навоий вилоятига тарқатганлиги аниқланди.

Бироқ масаланинг энг ачинарли томони қўпурчиликни режалаштирган ташкилотга мансубдор шахсларнинг ҳам кириб қолишидир. Келинг, гапимнинг исботи тариқасида яна Ургут туманидан мисол келтирайин: Ўзбекистон жамоа ҳўжалигинда жойлашган 33-мак-таб директори Соли Ҳайдаров 1995 йил мазкур уюшмага аъзо

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг тергов гуруҳи томонидан 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида бир гуруҳ айбланувчилар томонидан содир этилган террористик актлар тўғрисидаги жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари тамомланди.

Мазкур жиноят иши юзасидан 22 нафар айбланувчилар террористик актларни,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовузни ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбнадилар.

Жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий судига мазмунан кўриб чиқиш учун юборилди.

Юқорида кўрсатилган жиноятларга алоқадор бошқа шахсларга нисбатан тергов ва қидирув ишлари давом этмоқда.

бўлиб кирган ва у кўп ўтмай уюшмининг фаол аъзосига айланган.

Дарвоқе, айтиш лозимки, туманда 131 та масжид янги, замонавий биноларда фаолият кўрсатган бўлса, 130 та мактабнинг аксарияти эски биноларда жойлашган. Нимага буни мутасадди раҳбарлар аввалроқ ўйлаб кўришмаганлигини эса тушуниш қийин. Бирок, айрим масжид имомлари масжидлардан ўз фарзли максодларини

Мўминовага 14600 сўм, Н. Мўминовага 20400 сўм, Н. Ражабовага 31800 сўм, Р. Мўминовага 12400 сўм ва куёви К. Ражабовага 3000 сўм, яъни жами 680 минг сўм пулни талон-тарож қилган.

Мазкур ноқонуний ҳолат устидан 1998 йил 24 июл куни жиноят иши кўзгатилиб, 1999 йил 31 март куни вилоят судининг ҳукми билан З. Мўминова 10 йилга, С. Нажмидинова 8 йилга озодликдан маҳрум этил-

лари қатор тadbирларни амалга оширмакда. Текширишларда англашилшича, ноқонуний ҳаракатлар юз берган. Жумладан, Қўшработ туман ҳокимлиги халқ таълими бўлими мансабдор шахслари 1998 йил август-декабр ойлари давомида ўқитувчи ва ходимларга иш ҳақи сифатида ажратилган нақд пуллари, жами 472,9 минг сўмни талон-тарож қилганлар.

Мансаб ваколатини суиистеъмол қилган тегишли шахслор жиноий жавобгарликка тортил-

Уқувчилар билан юзма-юз

ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК

Сўз эркинлиги инсон эркинликларининг калитидир. Сўз эркинлиги таъминланган юртда тафаккур ривожланади, тўлишади, теранлашади. Халқдан қайнаб чиққан фикрлар булоғидан жамият баҳра олади. Фуқароларнинг ана шундай буюк эркинлиги оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошади. Ҳа, матбуот халқ ҳаётининг кўзгусидир. Бу кўзгуда ҳаёт ёрқинроқ акс этиши учун матбуот ходимлари, журналистлар ҳар доим халқ ичида бўлиши, улар билан ҳамдард, ҳамфикр юрмоғи лозим. Зеро, талаб ва тақлиф тушунчаси бу соҳани ҳам четлаб ўтмаган. Уқувчилар талабига жавоб бера оладиган газета, журнал чиқариш учун уларнинг тақлифларини инобатга олиш керак. Тахририятимиз ходимлари газетхон ва журналхонлар билан юзма-юз учрашиш мақсадида Самарқанд вилоятида сафарда бўлдилар.

ХАЛҚИ ХАМ БҲҮҲ БҲЛАЛИ

да фойдаланганлар. Текширувларда аниқланишича, Ш. Рашидов жамоа ҳўжалигида жойлашган масжид имомини Я. Модиев мазкур уюшмага аралашганлиги, ташвиқот ишларини олиб борганлиги тасдиғини топганидан сўнг, унинг ўйи тинтудан ўтказилганда таъқиқланган одабийёт ва варақалар топилди. Улар далилий ошб сифатида қўлга олинган.

Албатта, уюшган жиноятчиликка, терроризмга, қўлорувчиликни режадаштираган уюшма, ташкилотларга қарши кураш барча давлатларнинг олдинги вазифаларидан бири бўлиб турибди. Бирок мен суҳбатимизни бошқа масалага, яъни ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимояси борасидаги тadbирларга қаратмоқчи эдим. Маълум бўлишича, бу соҳада ҳам муаммолар йўқ эмас.

«Давлатимиз миллий мустақилликни қўлга киритгач, давлатчиликни шакллантириш, иқтисодий, ҳам сиёсий мустақилликка эришиш, мустақилликни мустаҳкамлаш учун тараққиёт тамойилларини, яъни буюк халқ, буюк давлат ва буюк жамиятни яратишни эволюцион йўлини ишлаб чиқди. Мазкур йўналишдаги режалардан бири ўтиш даврида кам таъминланган аҳолини ва болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашдир.

Вилоят прокуратураси ушбу тadbирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида умумий назорат тартибиде текширишлар ўтказмоқда. Текширишларнинг дарак беришича, ажратилган мақсадли маблағларни талон-тарож қилиш ҳоллари мавжуд. Жумладан, текширилган 61 ҳолатда 199 та оиллага 1 миллион 758 минг сўм маблағ низом талабларига зид равишда тарқатилган.

Шунингдек, болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилган пул маблағларидан 992 минг сўмлик нафақа пуллари қонунга хилоф равишда тўланган.

Бир мисолга эътибор қаратайлик: Боғишомол тумани «Тўпхона» маҳалласи раиси З. Мўминова «Кам таъминланган ва болали оилаларга нафақа пуллари тайинлаш тўғрисида»ги низомга беписандларча қараб, 1997-1998 йилнинг 1-ярми давомида ўз кизлари Н.

ди. Бундан ташқари, вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг пенсия, ижтимоий нафақалари ўз вақтида тўланишини таъминлаш, бюджет муассасалари ҳамда йирик корхона, ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларига иш ҳақларини тўлашга қаратилган қонунларнинг ижроси юзасидан текширишлар олиб бормоқда.

Алишер Абдувахобович, суҳбатчимиз бевосита иш ҳақи масаласига бориб тақалган экан, бир саволи бермоқчи эдим. Ўзингизга маълумки, келажакнинг барометри - ўқитувчиларимиз хуусида бир қатор фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Шундай экан, ўқитувчилар манфаати муҳофазаси ҳам долзарблик касб этади. Айрим жойларда уларнинг иш ҳақларини вақтида бермаслик ёки уларнинг иш ҳақларидан мақсадсиз фойдаланаётган мутасадди раҳбарлар ҳам учраб турибди.

«Ўқитувчи, илм соҳиблари етишиб келаётган авлоднинг миллий, маънавий, маданий ақлий жиҳатдан юксалишида муҳим рол ўйнайди. Миллий кадрлар тайёрлаш Дастурининг йўлини ишлаб чиқди. Мазкур йўналишдаги режалардан бири ўтиш даврида кам таъминланган аҳолини ва болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашдир.

Вилоят прокуратураси ушбу тadbирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида умумий назорат тартибиде текширишлар ўтказмоқда. Текширишларнинг дарак беришича, ажратилган мақсадли маблағларни талон-тарож қилиш ҳоллари мавжуд. Жумладан, текширилган 61 ҳолатда 199 та оиллага 1 миллион 758 минг сўм маблағ низом талабларига зид равишда тарқатилган.

Шунингдек, болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилган пул маблағларидан 992 минг сўмлик нафақа пуллари қонунга хилоф равишда тўланган.

Бунинг учун барча шaroитлар мавжуд. Ўз-ўзидан маълумки, буюк давлатнинг халқи ҳам буюк бўлиши лозим. Буюк халқни тарбиялаш, яратил маъсуляти кўп ҳолда ўқитувчиларимизнинг зиммасига тушади.

ди. Мен бу сингари нохуш ҳолатларни санашдан тийилиб, бир нарсани айтишни истардим. Бугун ўқитувчи кадрларнинг қонуний манфаатини барча мутасадди раҳбар ходимлар бирдек муҳофаза қилиши лозим.

Президентимиз томонидан 1999 йил 1-декабр йили деб эълон қилинди. Суҳбатчимиз сўнгида, вилоят прокуратурасининг аёллар манфаати, меҳнати муҳофазаси борасида олиб бораётган ишлари хуусида газетхонларга айтиб берасиз.

«Вилоят прокуратураси органлари «Аёллар манфаати, уларга берилган имтиёзлар, уларнинг меҳнати муҳофазасига оид қонунлар ижроси юзасидан корхона, ташкилотларда текшириш ишларини олиб борди.

Самарқанд шаҳридаги «8 март» акциядорлик жамияти текширувдан ўтказилганда, маълум бўлдики, жамиятда 1999 йил 1 мартга қадар 978 нафар хотин-қизлар меҳнат қилган. Жамият қошида ташкил топган тиббиёт пункти томонидан ҳар куни иш хоналар қузатилиб чиқишга қарамасдан, бу ерда айрим касалликлар ўсиб кетганлиги, шу билан биргаликда, ишчилар махус кийим-бош, махус оёқ кийимлари билан тўлиқ таъминланмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Мусаффо» акциядорлик жамияти мутасаддилари томонидан Меҳнат кодексининг 109, 154 ва 161-моддалари талаблари бузилган. Натижада ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақлари, нафақалари ўз вақтида тўланамаган. Аёллар учун гигиена хонаси норма бўйича 8 та белгиланган бўлса-да, фақатгина 2 таси хизмат кўрсатмоқда. Соғлиғи ёмонлашган тўғайли ишдан бўшатилган Г. Норова, Г. Багирова ва С. Мамадалиевага нафақа пуллари тўланмаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли таъсир чоралари кўрилди. Аёлларимизнинг қонуний манфаатини тиклаш, уларнинг ҳурмат-иззатини ўз ўрнига қўйиб борасида белгиланган тadbирлар давом эттирилмоқда.

Шавқиддин ГАНИЕВ суҳбатлашди

Буюк Бобокалонимиз имом-Исмоил ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш билан бошланган сафаримиз вилоят, шаҳар ва туманлар прокуратураларининг иш фаолиятини ўрганиш билан давом этди. Прокуратура идораларига кириб борар эканмиз, ҳаммаёқнинг озода-саришталлиги, ишнинг бир маромда, қизгин давом этаётганлигини кўрдик. Шу боис бўлса керак, мухлислар билан Самарқанд вилоят прокуратураси марказий маҳкамасида ўтказилган учрашув ҳам ўта сермазмун ва жонли мулоқот тарзида давом этди.

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, вилоят прокуратураси марказий маҳкамаси ходимлари, Самарқанд шаҳар, Боғишомол, Темирйўл, Сиёб, Самарқанд туманлари прокуратуралари ходимлари, вилоят суди, адлия бошқармаси, ИИББ, Солиқ, Божхона бошқармалари, Ҳарбий ва транс-

ларига юклатилган маъсулиятли вазифани удалашда матбуот билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ҳамкорлик аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаси билан бевосита боғланиб кетган. Шунинг учун бугунги учрашувдан фойдаланиб, ҳамкорликнинг янги самарали имкониятларини белгилаб олишимиз керак, деди сўзининг пиривордида прокурор.

«Қонун ҳимоясида» журнали 1996 йил апрел ойидан «Хуқуқ» газетаси 1997 йил август ойидан чоп этила бошлаган эди. Журнал ва газета қисқа давр ичида мамлакатимиздаги оммабоп наشرлар қаторидан ўрин олди. Бунга сабаб нима?

«Халқимизнинг ҳуқуқий билликларга чанқоқлиги тўғайли мамлакатимизда юридик наشرларнинг нуфузи ошиб бормоқда, - деди саволга жавоб берар экан Бош муҳаррир А. Абдуроззоқов. - Айни пайтда



Суратда: вилоят прокуратурасида вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан бўлган учрашувдан лавҳа.

порт прокуратуралари ходимлари ҳамда, вилоятнинг кўзга кўринган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги ушбу учрашув «Хуқуқий демократик жамият-фуқаролик жамиятини қуришда ҳуқуқий наشرларнинг роли» мавзусида ўтказилди.

Ийгилишни олиб борган Самарқанд вилоят прокурори Алишер Хусанов «Тўртинчи ҳокимият» бўлган матбуотнинг роли ҳақида гапирди: ҳуқуқий демократик жамият қуриш ишида фаол иштирок этаётган ҳуқуқ-тартибот органлари ўз-

муассисимиз - Республика прокуратураси журнал ва ҳафтаномаи ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун ҳам тахририят тезда оёққа туриб олди. Бошқа наشرлардан фарқ қиладиган яна бир имконияти миз бор: прокуратура ходимлари бизни долзарб ҳуқуқий материаллар билан таъминлабгина қолмай, қонунларга энг малакали шорхлар, юридик маслаҳатлар бериб боришади. Бизга келган ариза-шикоятлар тезда ўз ечимини топади. Шунинг учун дардига даво тўлган (Давоми 4-бетда).

(Бошланғичи 3-бетда).

журналхону газетхонларимиздан тез-тез миннатдорчилик хатлари олиб турамыз.

Бироқ, кейинги пайтда, янги нашрлар пайдо бўлиб турган шароитда ўқувчи учун кураш яна ҳам жиддийлашганини ҳис этиб турибмиз. Шунинг учун ўқувчилар ҳузурига чиқисини йўлга қўйдик. Сизларнинг талаб ва истакларингизга ҳамоҳанг қадам ташламоқчимиз.

Конференция таклиф ва истакларга бой бўлди. Биринчи бўлиб минбарга чиққан ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимининг масъул котиби, шоира Хосият Бобомуродова, бундан кейин ҳам «Хуқуқ»нинг Зарафшон водийсидagi қизгин муҳлисинга эмас, балки энг фаол муаллифи бўлиб қолажанин изхор этиб, ўз сўзини «Қонун ҳимоячиларига» боғишланган шеъри билан якунлади.

Вилоят суди раисининг ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов «Қонун ҳимоясида» жур-

наlining адлия ва суд идоралари билан ҳамкорлиги сустигини танқид қилиб, бу камчилик бортараф этилса, нашрларнинг ўқувчилари яна ҳам қўпаяди, деган истакни билдирди.

Вилоят адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи И.Азизов бунга тасдиқлаб, одвокатура ва суд ислохотларини чуқурлашти-

ЖАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК

ришни тезлаштириш муаммоларига доир мақолалар йўқлигини, янги қонунлар рўй-хати ва уларнинг шарҳи, айниқса қишлоқ хўжалигига ва бозор иқтисодиётига оид қонунлар шарҳи бериб берилса мақсадга мувофиқ бўлади деган таклифни билдирди. Прокуратура ходимлари А.Облоқулов ва З.Йўлдошевлар газета ва журнални янада ўқимишли қилишга доир қимматли таклифларни билдиришди. «Зарафшон» вилоят

бўлган «Бугунги кун ҳуқуқшуноси» мавзусидаги машваратда ҳуқуқшунос талабалар, доллар ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳаяжон билан гапирдилар.

Йиғилишда ҳозир бўлган тахририят Бош муҳаррири А. Абдуразақов, вилоят прокурори А. Хусайнов, вилоят прокурорининг 1-ўринбосари Б.Шомирзаев, факультет декани Ж.Ибодуллаевлар сўзга чиқиб, бугунги куннинг ҳуқуқшуноси қандай бўлиши кераклиги ҳақда ўз мулоҳазаларини баён этдилар. Ёшлар мустақиллик даврига хос жўшқин ва теран фикрлари билан мунозарани давом эттирдилар.

Жумладан, СамДУ ҳуқуқшунослик факультети 5-курс толиби Р.Мухаммадиев шундай деди:

Бугунги кун ҳуқуқшуноси ҳақида гап кетганда, аввало, ҳуқуқшунос маънавиятига эътибор берилиши керак. Чунки, илгаридан маълумки, маънавий бойлик моддий бойликдан устун туради. Бунда эса оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси каттадир.

Ҳа, албатта, маънавиятсиз инсонда виждон бўлмайди. Виждонсиз одам эса адолатсизлик қилиши тайин. Президентимиз таъкидлаганларидек, халқ очликка, йўқликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидайдимайди. Адолатли жамият куриш учун биринчи ўринда ўта билимли ҳуқуқшунос кадрлар керак. Ҳозирги пайтда олий ва ўрта ўқув юртиларида талабаларга таълим беришда фойдаланилаётган дарсликлар рус тилидан тўғридан-тўғри ўзбек тилига таржима қилинган. Аслида руслар бизнинг аждодларимиз томонидан қолдирилган маънавий меросларни ўз халқи манфаатига мослаб, рус тилига таржима қилган. Шунинг учун, эски кўлёмалардаги ҳар хил соҳага доир билимларни ўзимиз ўрганиб, асл нусхасидан ўзбек тилига таржима қилсак, самаралироқ бўлади.

СамДУ ҳуқуқшунослик факультети 3-курс талабаси Ж. Хусайнов:

- Ҳуқуқий давлат фуқаролари

газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев нашрлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, юрист журналистлар етишмаслиги ҳақида гапирди. Ички ишлар, бошқона, солиқ бошқармаси ходимлари газета-журналнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мулоҳазаларини очик боён этиб, конференциянинг ишчанлик руҳида ўтишига ҳисса қўшдилар.

Прокуратуранинг ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи фаолияти ўзини номоён этиб, конференциянинг ҳуқуқшунослар билан журналистларнинг ҳамкорлиги байрамига айланиб кетди.

Учрашувлар учрашувларга уланиб кетди. Самарқанд Давлат университетидеда юртимиз келажаги бўлган талаба ёшлар билан

• Ана, ҳолос!

АРСЛОН АРДОҒИДАГИ

Муслмон оламида етим, ота-онасиз қолган, ноғирон болаларнинг бошини силаш, уларга хайру эҳсон кўрсатиш азалий удум саналади.

Хўш, вилоятимизда бу масалага муносабат қандай?

Текширувларда жойларда қонун талабларига айрим раҳбарлар амал қилмаётганликлари аниқланган. Айниқса, Ургут туманидаги 200 та болага мўлжалланган соғломлаштириш мактабидаги аҳвол гоёат ачинарли.

Сиёб туманидаги 59-кўрлар, Окдорё туманидаги 63-оқли заиф, Пастдарғом туманидаги 55-етим болалар интернатларида ҳам аҳвол худди шундай. Меҳрибонлик уйлари, ноғиронлар мактаб-интернатларида ўқувчиларни белуп дарсликлар билан таъминлаш талаб даражасида эмас.

Самарқанд шаҳридаги 6-Меҳрибонлик уйи раҳбари Э.Қудратуллаев «Баҳор» фирмаси ходими Б.Худойбердиев билан ўзаро жинойи тил бириктириб, Меҳрибонлик уйига ажратилган 569899 сўм маблағни ўзлаштириб юборишган. Бу кимсалар вилоят судининг ҳукми билан бири 9 йил, иккинчиси эса 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шу Меҳрибонлик уйи директори А.Хайдаров, оғиронлар директори Ф.Латипов ва А.Жалиловлар 8-дўкон мудри Б.Нарзиқулов билан жинойи тил бириктириб, болалар озиқ-овқатига ажратилган 862330 сўм маблағни талон-тароҳ қилишган. Меҳрибонлик уйи директори ўринбосари Зухро Раҳимова эса ўзига қалбаки маълумотнома тайёрлаб, 13567 сўм 55 тийин маблағни ўзлаштирган.



Ўз меҳнати ва жасорати билан қадр топан собиқ прокурор ходимлар вилоят прокуратурасининг доимий эъзозиди.

биринчи навбатда ўз ҳуқуқларини билиши керак. Мен «Қонун ҳимоясида» журнали ҳамда «Хуқуқ» газетасини мунтазам равишда ўқиб, кузатиб бораламан. Айниқса, журналда ҳуқуқий манбалар тарихи ҳақидаги мақолалар, Амир Темур давридаги, Исмоил Бухорий давридаги ҳуқуқий манбаларнинг бериб борилиши ойни мудоасодир.

Бундан ташқари, рисолашган давлатлардаги ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти ҳақидаги мақолалар ҳам бериб бориладики, бу биз талаба ёшларнинг ҳар томонлама ҳуқуқий билим олишимизга кўмаклашади. Ушбу журнал худди шу йўналишдаги бошқа нашрлардан ўзининг дид билан беэ-

лифларимни билдирмоқчи эдим: ҳозирги ёшларимизда илгари чанқоклик кучли. Ана шундай талаба ёшларимизнинг қонунчилик соҳасидаги илмий мақолалари ва тадқиқотлари ҳам журналда чоп этиб турилса, яхши бўларди.

1974 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган мазкур факультетда ўқиб кетган мутахассисларимизнинг хизмати бутун республика бўйича аъло даражада баҳоланиб келмоқда. Мана, шундай малакали ҳуқуқшунос кадрларимиздан бири вилоят прокурорининг 1-ўринбосари Б.Шомирзаев ҳам ушбу даргоҳда таълим олган, - дея таъкидлаб ўтди ўзининг яқунша нутқида, факультет декани, Ж.Ибодуллаев.

Қизгин музокара билан давом этган ушбу йиғилишда сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам тахририятга ўз таклифларини билдириб, журнал ва газета саҳифаларида кадрлар тайёрлаш масаласидаги муаммолар ҳам кўтариб чиқилса, айни мудоао бўларди, дея таъкидлаб ўтдилар.

Очик самимият билан билдирган эътироф ва эътирозлардан, албатта, тахририят ходимлари ўз хулосаларини чиқарадилар ва бундан кейинги фаолиятларида айтилган фикрларни эътиборга олодилар.

Меҳри БОЛЛИЕВА,
«Хуқуқнинг махсус муҳбири».

Учрашувда ўқилган шеър

Хосият БОБОМУРОДОВА

ҚОНУН ҲИМОЯЧИЛАРИГА

*Ўтинчиларга тўла нигоҳлар аро,
Яшмоқ қисмати битилган Сизга.
Кимнинг кўнгли, кимнинг толиси қора,
Кимнингдир ҳаёти тушмаган изга.*

*Жуфт оид иттифоқи чизил муаммо,
Ҳар юрак яшайди ўз оламида.
Оралакда сарсон гўдак бахтига
Сиз борсиз, шерҳисиз катта гамига.*

*Ечолмаган абад не-не доғишлар,
Сарлидан сирлироқ ишқ мижрасосин.
Умри куз қилар зулаб ёшлар,
Ҳижрон авж олдирар кўнгли ярасин.*

*Жуфт ошшқ, жуфт қўшиқ тикар экан кўз,
Кўз ёшдан шўр булар балки Сизнинг лаб.
Ва лекш ҳеч қачон унутулмайсиз,
Лутфга зор - учинчи - севилмаган қалб.*

*Қонунлар бағрига сувғай қолган ҳис
Кийноги тун бўйи эзиб чиқади.
Бир томонда қонун, бир томонда Сиз,
Ҳаёл кўп йилларни кезиб чиқади.*

*Биров бор ҳуқуқни билмайди доғдир,
Биров қонунларни илмас назарга.
Умр десанлари ағов-далғовдир
Сирлар чиқиб кетар гоҳи бозорга.*

*Тала тўп, безовта умрлар ичи,
Осонмас, тўтмоқлик қўлда торози.
Паллада тақдирнинг эртаси, кечи
Уччанганда барча бўлими рози?*

*Титраб кетмадимки оиди ҳақамнинг,
Адолат шайхони тутган қўллари,
Виждони улчалан шўрлик кимсаннинг,
Топилдимки, оппоқ, ойдий йўллари?*

*Шундай ташвишлардан қунлар саф тортиб,
Сездирмай утаркан билмайсиз ҳатто,
Эрмининг таъми не,
Ва ишдан ортиб,
Ҳайлаб ҳам кўрмайсиз ўзингиз ҳақда.*

*Ўтинчиларга тўла нигоҳлар аро,
Яшмоқ қисмати битилган Сизга...*



БОЛАЛАР

Ушбу масала юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича ташкилот бошлиқларига 13 та тақдимнома, 3 та амрнома киритилди. 16 та шахс расман огоҳлантирилди. Тўртта талон-тароғлик ҳолатлари аниқланиб, Оқдорё, Темирийўл тумани, Каттақўрғон ва Самарқанд шаҳор прокурорлари томонидан жиноят иши кўзга тутилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Етим, ота-она меҳрига зор болаларни, ҳатто арслон ўз ардоғига олар эмийш. Юқорида тилга олинган бозни кимсаларнинг қилмишлари эса аввали худого ҳам, ахли мўминга ҳам, қонунларимизга ҳам хуш ёқмайди.

С.ОБЛОКУЛОВ,
Самарқанд вилоят
прокурорининг катта ёрдамчиси.

Таълим тизими прокурор назоратида

Ўтаётган ҳар бир лаҳза бизни учинчи минг йиллик - XXI асрга тобора яқинлаштирмоқда. Аср остонасида турар эканмиз, одамларнинг турмуш даражаси бугунгидан-да фаровонроқ, ҳалқимизнинг ҳуқуқий савияси биз истагандан-да юксакроқ бўлишини орзу қиламиз. Ва шу орзуга беихтиёр ишонгимиз келади. Негаки, бу орзуларни амалга оширишга, ундан барчамиз бирдек баҳраманд бўлишга бизда тўла шарт-шароит бор. Худди шундай имкониятлардан бири давлатимиз томонидан ёшларга катта ишонч, имконият эшикларини очётганлигидир. Ёшларга, келажак эгаларига алоҳида эътибор қаратган давлат ҳеч бир замонда ёруғ қунларсиз қолмаган.

Зеро, юртимиз мустақиллиги эълон қилинган кунлардан икки ой ўтар-ўтмас, мамлакатимизнинг «Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги қонуннинг жорий этилиши келажакимизнинг порлоқлигидан бир нишона, шу билан бир вақтда, келажак буюк давлат қуриш сиёсатининг устивор йўналиши ва ёшларга бўлган ғам-хўрликнинг илк куртақларидан бири эди. Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ёрдам қилиш ишларини ташкил этиш ҳақида»ги, «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, «Таъ-

лим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури, Олий Мажлиснинг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги қарори ва Президенти-мизнинг қатор Фармонлари мазмун-моҳияти билан юқоридаги мақсад-маслаққа қаратилган тадбирлардандир.



Алишер ЗАКИРОВ,
Челак тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

ган, иккинчидан эса, уларнинг қайси бири ижро этилган, қайси бирининг ижроси қачон бўлади, бу саволларга жавоб топиш амримаҳол.

Бундан ташқари, 1999 йил

ларининг фақатгина 16,7 фоизинга турли тўғарақларга жалб қилинган. Хўш, ўқувчиларини қолган 83,3 фоиз дарсдан бўш вақтларида нима билан машғул? Дарвоқе, бу ҳол туманда ёшлар жиноятчилигининг ўсиб кетишига ўз-ўзидан таъсирини ўтказмай қолмайди.

Юртимиз озодликни қўлга киритганидан сўнг энг биринчи таъсис этилган орденлардан бири «Соғлом авлод учун» орденидир. Хўш, бу нимани аниглайди? Назаримда, буни изоҳлашга ҳоҷат йўқ. Зеро, соғлом тан соғлом оқлнинг доясидир. Демак, ёш-

«ДОМЛАНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛ, ҚИЛГАНИНИ...»

Дарвоқе, биз кўзлаган мақсадга эришишимиз учун ҳам назарий, ҳам амалий, яъни ҳуқуқий асос мавжуд. Демак, эндиги ишнинг белгиланган қонунларга амал қилиш, уларнинг ижросини таъминлашдан иборат.

Шу мақсадда Челак туман прокуратураси «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги қарордан келиб чиққан ҳолда туман худудиди «Таълим тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан текширув ўтказди. Текширувда туман халқ таълими муассасаларида мазкур қонунни ижро этишдага райиқонуний ҳолатларга йўл қўйилганини аниқланди. Чунки, халқ таълими бўлимида ушбу қонуннинг ижроси юзасидан тадбирлар белгиланган бўлса-да, бироқ бу тадбирлар қўзғаб, амалга оширилмади.

Тухмат битилган қозғолар... Унинг ортидан тўпланган тергов материаллари... Ёлғон гувоҳлар... Асаббузарликлар... Буларнинг ҳаммаси Рухсат Ҳақимованинг «дардига» дармон бўларди. Бироқ иш чаппасига айланиб кетди. Жиноят ишлари туман прокуратураси қоритиғига олинди. Қўл сонли «жавобгар» ва «айбланувчи»лар даъвогар ва жабрланувчиларга айланишди. Бунинг устига қонун ҳимоячиларини алдаб, ҳали ечимини кутаётган оғирроқ жиноий ишларни излаб топишларига ҳалақит берганлиги учун Р.Ҳақимованинг ўзи жиноий жавобгарликка тортилди. Қирққа қирмай (ҳали 39 ёшда) қилни қирқ ёриб юрган товламачига Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 237-моддаси 1 ва 2-қисмлари билан айблов эълон қилинди. Бошқача айтганда товламачи тумшугидан илиниб, қилмишига яраша 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Олимжон ЮНУСОВ,
Боғишамол тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

Афсус...

СИЗГА НИМА БЎЛДИ, МУҲТАРАМ АЁЛ?!

Умактабни яхшигина баҳоларга битирди. Қўпгина дугоналари қатори шаҳарга ўқишга отланди. Омади қулиб, олий ўқув даргоҳига қабул қилинди. Ўқишлар, турли ташвишлар билан талабалик йиллари ҳам ўтиб кетди. Аммо, мактабда ҳам, олийгоҳда ҳам чақмачақарлик одатини тарк қила олмади. Бу касаллик охири газак олиб, таъмагирлик ва товламачиликка айланди. Бунинг устига шаҳар муҳити унга ёқиб қолди. Ота-она, қариндошлар нигоҳидан узокда, ўзига хон, ўзига бек. Қани, биров мушугини «пиш» деб қўрсинчи!.. Наҳд туғилганига пушаймон қилдиради. Қонунни «яхши» билса. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг айтгани айтган, дегани деган эмаси. Бу «касаллик» билан қишлоқда юриб бўлмас экан. Бироз вақт ўзи туғилиб ўсган Пастдарғомда яшаб кўрди, бўлмади. Сал обғингни эгри боссанг, қариндошлару ака-укалар калтак кўтариб ёпирилишади. Бироқ у «ёмонга» чиқиб бўлганди. Бошқача яшашни хаёлига ҳам келтиролмади...

1994 йил Пастдарғом туман Халқ суди олий маълумотли таъмагир Рухсат Ҳақимова устидан жиноий иш кўзгаб. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 204-моддаси 2-қисми билан жиноий жавобгарликка тортиди. Аммо, баъзи турдаги жиноятларга амнистия эълон қилинганлиги боис, Р.Ҳақимова жазони тўлиқ ўтамади. Яна бир бор омади чопди.

Унинг энди қишлоғига боришга ҳадди сизмасди. Юзи қора бўлганди. Яна бағри кенг шаҳар уни ўз қўчоғига олди. Эри бўлмаса-да, ўғили бўлиб олди. У ҳам ногирон бўлиб туғилди. Балки, бу худонинг Дилбарга (дарвоқе, у кейинчалик исмини шундай ўзгартириб олган) берган жазоси эди. Қўшларига В.Андреевна Р.Сбрулкинлар уни тартибга чақирди. Бундан жазавога тушган ва аламазда «Дилбар» виждони ҳалол қўшларига тухмат қилиб, милицияга ариза қилди. Ўзига ўзи тан жароҳати етказиб, айбсиз кишиларни айбдор қилмоқчи бўлди.

Шу йилнинг 2 январь куни «Фуқаро А.Аҳрорқулов қўчада менинг сумкамни тортиб олди», деб яна Самарқанд шаҳридаги 4-ички ишлар бўлимига шикоят ёзди. Рухий

таъсир ўтказиб, Т.Пардаева ва Т.Светличковни ёлғон гувоҳлик беришга мажбур этди. Бу иш билан шуғулланётган ва ўз ишига виждонан муносабатда бўлиб, жиноят ҳақидаги хабарлар юзасидан обдон суриштирув олиб бораётган терговчи А.Назаров у уйлаганлардан эмас экан. «Сендай ҳақиқатпарварга ҳам бир кўрсатиб қўямиз. Хали менинг совунимга кир ювмасан», дея терговчининг бошига ҳам тухмат тошларини олди. Гўё, терговчи унга гаразли мақсадда кечаси келинг, деб айтган эмиш. Ҳатто уриб, тан жароҳати етказган эмиш.

5 март куни Р.Ҳақимова яна бир терговчи Ш.Эшмуродовга ҳам иш топиб берди. Бу гал Жомий қўчасида яшовчи М.Турсунқулов унинг ўғли Озодга нисбатан талончилик жиноятини содир этган бўлиб чиқди. Аслида Мубин уни урмаган, Озодбек гаражнинг устидан йиқилиб кетган экан. Бу сафар ҳам у «Ўғлимни уриб майиб қилди», деб Мубиннинг ота-онасига таъйиқ ўтказиш ва улардан мўмайгина пул ундириш ниятида эди.

Тухмат битилган қозғолар... Унинг ортидан тўпланган тергов материаллари... Ёлғон гувоҳлар... Асаббузарликлар... Буларнинг ҳаммаси Рухсат Ҳақимованинг «дардига» дармон бўларди. Бироқ иш чаппасига айланиб кетди. Жиноят ишлари туман прокуратураси қоритиғига олинди. Қўл сонли «жавобгар» ва «айбланувчи»лар даъвогар ва жабрланувчиларга айланишди. Бунинг устига қонун ҳимоячиларини алдаб, ҳали ечимини кутаётган оғирроқ жиноий ишларни излаб топишларига ҳалақит берганлиги учун Р.Ҳақимованинг ўзи жиноий жавобгарликка тортилди. Қирққа қирмай (ҳали 39 ёшда) қилни қирқ ёриб юрган товламачига Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 237-моддаси 1 ва 2-қисмлари билан айблов эълон қилинди. Бошқача айтганда товламачи тумшугидан илиниб, қилмишига яраша 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

ушбу иш режаси белгиланмаган.

Ўзбек халқи эртанги кунига ҳамisha ишонч билан қаролган. Бунга сабаб, у ортидан келаятган ёшларга ҳар қандай кунларда меҳр-муҳаббатини дариг тутмаган. Мана, бугун давлатимиз Президенти ҳам ёшларга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Уларни иймон-этиқодли, маънавий, маданий, етук савияли кадрлар бўлиб етишишига барча имкониятларни яратмоқда. 2005 йилга келиб барча туман марказларида академик лицейлар иш бошлаши учун бош-қош бўлиб турибди.

Шундай масъулиятли кунларда туман халқ таълими бўлими мутасаддиларининг бефарқчилигини, боқибегамлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ё ёшларга ибрат бўлиши лозим бўлган мутасаддилар «домланинг айтганини қилу қилганини қилма», қабилидаги иш услубига ўтиб олишимиз?

Савияли ўқитувчи кадрларни таллаб олиш, ўз ўрнига қўйиш, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган туман ёшлари билан олоқа ўрнатиш, уларга ибрат бўлиш талаб даражасида эмас. Бу ҳол, албатта, одамлар орасида «мактабга ишга жойлашиш учун фалон пул пара бериш керак» каби турли хил миш-мишларни юзага келишига шароит яратмоқда.

Туман мактабларида 2310 нафар юқори синф ўқувчи-

ларимиз нафақат маънавий жиҳатдан етук, балки соғлом ҳам бўлиши лозим. Бироқ туманининг 38-мактабда ўтказилган текширувда аниқланишича, болаларга қайноқ сув ташкил қилинмаганлиги, синфхоналарининг санитария аҳоли талаб даражасида эмаслиги натижасида 17 фоиз «педикүлез» аниқланди.

Бундан ташқари, «Гулдуста» болалар боғчасининг озиқ-овқат омборида санитария аҳолининг ёмонлиги, муддати ўтган маҳсулотларнинг сақланаётганлиги ҳамда маҳсулотларнинг қабул қилиб олиш расмий дафтариининг йўқлиги, кишини ўйлантириб қўяди.

Ахир, қайси даврда яшояпмиз? Ёшлар тарбияси, уларнинг соғлиги масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда биз нима билан машғулмиз?

Шунингдек, туман халқ таълими бўлимига давлат томонидан ажратилган мақсадли пул маблағлари мақсадсиз сарфланган.

Шу билан биргаликда, ҳўжалик гурӯҳ раҳбари З.Расулов жавобгарлигидаги қурилиш материалларини талон-тароғ қилган.

Текширишлар давомида аниқланган барча ҳолатлар устидан тегишли таъсир чоралари қўрилди ҳамда ҳўжалик гурӯҳи раҳбари З.Расулов устидан жиноят иши кўзга тутилди.



Челак туманига ҳориждан келтирилган «Кейс» комбайнлари галла йиғим-терими мавсумига тахт турибди. Суратда: Туман прокуратураси ходимлари туман қишлоқ ҳўжалиги техникалари қорхонаси раҳбари ва ходимлари билан.

Хукук кўзгусида

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ БЎЛИМИ

Аловитдин НИЯЗОВ,
бўлим бошлиғи.

ЖИНОЯТ ИЗИДАН

Ватанимиз пойтахтининг тинчлик ва осойишталигини сақлашда шаҳар прокуратурасининг ўрни бекиёс. Энг қувончлиси, пойтахтимиз аҳли ўзлари хоҳлаган пайтларида кўчаларда, хибонларда ва дам олиш масканларида эмин-эркин юра олади. Минг афсуслар бўлсинки, пойтахтимизда ҳам юрт тинчлигини кўра олмайдиган, ўзгалар ҳисобига яшовчилар ҳам йўқ эмас. Уларнинг жиноятларини фош қилиб, жазонинг муқаррарлигини таъминлашда бўлимимизнинг тергов-тезкор ходимлари ҳам кечакунду меҳнат қилишапти.

Жиноятларни тергов қилиш бўлими тезкор ходимлари ҳам жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш ва фош этиш борасида ижобий кўрсаткичларга эришди. Қилинган ишларга назор ташлайдиган бўлсак, содир этилган 40 та қотиллик жиноятининг 36 таси фош этилди. Бу рақамларни келтириш осон. Фош этилган ҳар бир жиноятнинг ортида тергов-тезкор ходимларимизнинг оғир, аммо, шарафли меҳнати ётганини алоҳида эътироф этмоқчиман. Жиноятларнинг ўз вақтида фош этилиши ва терговнинг сифатли ўтказилишида шаҳар прокурори ўринбосари Бахтиёр Нурмуҳаммадовнинг хизматлари бекиёс. У кишининг жиноятни очишга қаратилган оқибат кўрсатмалар бериши, жиноят содир этилган воқеа жойига чиқиб, тезкор режа тузиши ва бошқа тадбирларни ўз вақтида белгилаши тўғрисидаги қатъий қарарлари жиноятларнинг изи йўқолмасдан фош этилмоқда.

Сўзимизнинг исботи учун бир мисолга мурожаат қилмоқчиман. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Черданцев кўчасида жойлашган 24-уйнинг 83-хонадонидан 1977 йил турилган фуқаро Н.Турсунованинг жасади қотиллик аломатлари билан топилди. Бу жиноятни очиш осон кечмади. Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари тиним билмай ишлашди. Қилинган соя-ҳаракатлар ўз самарасини берди.

Н.Турсунованинг қотили узоқ қидирувлардан сўнг топилди. Ушбу қотиллик жиноятини марҳумнинг таниши фуқаро Б.Нурматов деган шахс содир қилганлиги аниқланиб, терговда унинг қилмишлари ўз тасдиғини топди. Аммо, ушбу жиноят ишини тергов қилган шаҳар прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Ж.Ғоиповнинг жиноят фош қилингунга қадар жуда кўп тер тўкишига тўғри келди.

Ушбу жиноят ишини кўриб чиққан Тошкент шаҳар суди қотилга нисбатан олий жазо белгилади.

Бўлимимизда жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар тез-тез муҳокама қилиб турилади. Ҳаммамизга маълумки, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни бекиёс.

Тергов-тезкор ходимларимиз жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасидаги мақолалари билан газета, журнал ва телевидениеда тез-тез чиқишлар қилиб туришди. Айниқса, кейинги пайтларда меҳнат жамоалари билан юзма-юз

мулоқотларга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Бўлимимиз тезкор ходимлари пойтахтимиз миқёсидаги ўтказилаётган «Тозалаш» ва бошқа тадбирларда ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Кейинги пайтларда гуруҳ бўлиб жиноят содир қилиш ҳоллари учрамоқда. Бунинг асл сабаби ишсизликка, бекорчиликка бориб тақалади. Жиноят ишларининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, уч-тўрт бекорчи йиғилиб олиб, ичишади. Сўнг эса қилмаларнинг хонадонидан бу юмларни ўмаришади. Баъзан эса бундай гуруҳлар қотиллик жиноятини ҳам содир қилишади. Пойтахтимизда яшовчи А.Е. Р.К. И.Б. исми шахслар, жами 14 нафар улфат қотиллик жиноятини содир қилишган. Улар пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 2-квартал 8-уйдаги 13-хонадонда яшовчи 1950 йил тутилган Л.Сиденқонинг қотилига айланган.

Ушбу гуруҳ устидан жиноят иши кўзга тилиб, тергов ишлари бошланганда жиноятчилар сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлишди. Аммо қотиллар терговчини чағата олмадилар. Яқинда ушбу жиноят иши айблов ҳулосаси билан Тошкент шаҳар судига юборилди. Жиноятчилар ўз қилмишлари учун жазо олиши муқаррар.

Ўртбошимизнинг амнистия тўғрисидаги фармонидан сўнг кўп қўллаб фуқаролар қамолардан ўз уйларига қайтади. Гуноҳлари кечирилган фуқароларга маҳаллақўмлар, кўни-қўшнилари инсоний ёрдам кўрсатишлари лозим.

Мен узоқ вақт тергов соҳасида ишлаган мутахассис сифатида бир муаммага алоҳида тўхталишни истардим. Ҳозирги замон жиноятчилари жуда «тажрибали». Улар жиноят изларини ўз вақтида йўқотишга ҳаракат қиладилар. Жиноятни содир қилиб, тезда бошқа шаҳарларга самолёт ёки поездда жўнаб кетишади. Айрим ҳолларда жиноятни очишни мушкуллаштириш учун воқеа юз берган жойга ўт қўйиб кетишади. Бундай жиноятларни очиш терговчидан катта маҳорат, сабот ва матонат талаб қилади.

Бугунги куннинг тергов-тезкор гуруҳи ходими ҳар жиҳатдан билимли бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, жиноятчилар соҳида юрса, терговчиларимиз баргида юриши керак. Ана шундагина жиноят ўз вақтида фош қилинади, қўзланган мақсадга эришилади.



Илҳом ЁРИЕВ,
алоҳида муҳим ишлар
бўйича терговчи,
иккинчи даражали
юрис.

• Хуқм ўқилди

«ДАЪВАТЧИ»

Исломи дини - инсонни маънавий жиҳатдан покловчи, чиройли амалларга чорловчи жиҳатлари билан ҳам қадрлидир. Қалби Исломи нури билан йўғрилган ҳақиқий мўмин-муслмон ҳаром-ҳариш ишлардан сақланиш билан бирга, бекорга бировнинг бурнини қонатиш тугул, бирон-бир жониворга озор беришга ҳам журъат этмайди. Унинг бошқаларга ибрат бўладиган, ҳавас қиладиган фазилатлари фақат булар билан чекланмаслиги сир эмас. Аммо, динимиз дин бўлиб шаклланган замонлардан буён Исломи никоҳ қилиб, уни манфаатларига мос келувчи ўзанларга буришга уринган не-не каслар ўтганлиги ҳам ҳақиқат. Бундайлар аввало Оллоҳнинг, халқнинг ғазабига дучор бўлиб, қилмишларига яраша жазога мустаҳик этилганлар.

Не надоматки, дин никоҳидаги хуружларнинг навбатдагиси мустақиллигимизни, саодатли кунларимизни мўлжалга олди. Ўзларини «ваҳобийлар», «Хизбут-таҳрир» оқимига мансуб деб билган разил ниятли ғаламислар танлаган йўлимиздан қайтаришга, ўлкамизда халифалик давлатини барпо этишга уриниб кўрдилар. Аммо уларнинг қабиҳ ниятидан халқ хоҳиш-иродаси кучлилик қилди. Бугун оғир жиноятларга қўл урган, террорчилик ҳаракатлари содир этган сохта диндорлар қилмишларига яраша жазога тортилмоқда. Диний кўпоровчилик оқимида фаолият кўрсатганлар ишсиз юрган, хали ҳаётда ўрнини топа олмаган ёшлардан иборат, деб келинганди. Аммо, уларнинг сафида тупта-тузук ишнинг этагини тутган, ҳатто ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам бор экан. Яқинда Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани судида қўрилган жиноят иши фикримизнинг исботидир.

Пўлатжон Ҳакимжонов Тошкент туманининг Тошкент туманидан. Шу ерда туғилиб шу ерда яшаб келган. Тошкент шаҳар метрополитенини муҳофиза қилиш бўлимида фаолият кўрсатган. Ишдан бўш вақтини отанаси кучоғида, турмуш ўртоғи билан шириндан-шакар фарзандини тарбиялаш билан ўтказган.

Биноидек ишлаб юрган милиция сержанти кунлардан бирида Абдуллоҳ исми фуқаро билан танишиб қолади. Иккала таниш «Кўк терак» маҳалласидаги масжидга бориб, жума намозини қанда қилмасдан ўқиб юраверишади. Абдуллоҳ кўнглидаги қабиҳ ниятлар уругини Пўлатжоннинг қалбига қадашга кўп уринмайди. У номозхон биродорига ўзини «Хизбут-таҳрир» диний гуруҳига аъзо эканлигини билдириб, гуруҳнинг мақсадларини баён этади. Пўлатжон биродорининг сўзларидан «Хизбат-таҳрир»нинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг Конституцион тизимини ағдариш, халифалик давлати барпо этиш эканлигини англаб етади. Бу давлатга, халққа қарши оғир жиноят ҳисобланганини била туриб, гуруҳнинг фикрини қўллаб-қувватлайди ҳамда Абдуллоҳнинг давлати билан 1997 йилда «Хизбут-таҳрир»чилар сафига қиради. Абдуллоҳ унга биринчи галдаги вазибалар «биродар»лар сонини кўпайтириш, шу йўл орқали гуруҳ фаолигини ошириш эканлигини тушунтиради. Унга «Хизбут-таҳрир»га одамларни жалб этиш йўл-йўриқларини кўрсатиб, тегишли адабиётлар билан таъминлайди. Кўп ўтмай Пўлатжоннинг уйда хориждан яширин йўллар билан келтирилган китоблар «кутубхонаси» шаклланади. Улар асосан экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, одамлар кўнглида ваҳима уйғотади «Исломи Низомини», «Хизбут-таҳрир», «Хизбут-таҳрирнинг ёйилиши», «Онг Альвабай», «Исломида ижтимо низомини», «Исломи диний давлатни ёйиш», «Пул», «Молиявий бозорлардаги бекорорлик», «Хизбут уюшма» ва «Хизбут-таҳрирнинг тушунчалари» номли китоблардан иборат эди. Бундай адабиётларнинг «моғзини чаққан» Пўлатжон ақидапарастлик ғояларини ёйиш йўлига ўтади. Бир неча фуқароларни ҳам «Хизбут-таҳрир» сафига ўтишга давват қилади. Шундай қилиб, хизмат вазибалари давлат мулкни қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш бўлган милиция ходими террористик руҳдаги гуруҳнинг фаол тарғиботчи-сиғ айланади.

Аммо, «Хизбут-таҳрир»нинг фаолияти узоқ давом этмади. Гуруҳ давватчиларидан бири П.Ҳакимжонов ҳам давлатга қарши жиноят содир этганлигида айбланиб қомоққа олинди. Тинтув даврида айбдорнинг уйдан юқорида номлари кўрсатилган 26 дона диний экстремистик руҳдаги китоб топиб олинди.

Яқинда П.Ҳакимжоновнинг жиноий иши судда кўриб чиқилди. Ички ишлар идораларида ишлаб туриб оғир жиноят содир этганлиги учун у Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 10 йилга озодликдан маҳрум этилди.



Суратда: Жиноятларни тергов қилиш бўлими
ходимлари.

А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

Низом буйрукка итоат этиб, жойида тек котди*. Тахдидли овоз келган томонга қароди. Ҳизидан уч-тўрт қодам нарида турган шарпага кўзи тушди.

- Дарвозани ёпиб, уй томонга юр. Фақат шовқин қилмасдан!

Босқинчи Низомдан кўз узмаган ҳолда уног томон яқинлашиб келарди. Низом юзига қоп-қора никоб кийган, тўппонча ўқталиб турган қимсани кўриб эҳсонаси чиқиб кетаёзди. Бир кўркувиги минг кўркув кўшилди.

Шу пайт айвон эшиги очилиб, босқинчилардан бири кўринди. Дарвоза олдидаги манзарога кўзи тушгач, бир зум серрайиб қолди. Унинг ташқарига чиққанини Низом билан бир вақтда ёнидаги босқинчи ҳам кўриб улгурган эди.

- Хов, нега қакқойиб турибсан? Мана, бунга «гум» қилишга ёрдамлаш...

Низом нега ундай қилди, қандай журъат этди ўзи ҳам билмайди. Ёнидаги қимсанинг гали оззида қолди. Низом тўсатдан кескин бурилди-да, унинг тўппонча тутган қўлига қаттиқ зарб билан урди. Бетон йўлакка тарақлаб тушган тўппонча тўрт-беш одим нарига учиб кетди. Босқинчи - тўппончага, Низом эса эшик томон отилди.

Низом мотори ишлаб турган машинасига ҳам қарамасдан, асфальт йўлга чиқди-да, оёғини қўлига олиб югурди. Унинг ортидан отилиб чиққан босқинчи кўчанинг икки четидан нур сочиб турган чирок ёруғида аниқ-равшан кўриниб, тобора узоқлашиб бораётган Низомни қувиб етолмаслигига ишонч ҳосил қилди, шекилли, чўк тушганча уни мўлжалга ола бошлади. Аммо тепкини босишга улгурмади. Ортидан этиб келган шериги унинг қўлидан тўтиб қолди:

- Эсингни йиғ! Жиннимисан? Улар муқолишлардан бирига қайрилоётган Низомни аранг кўриб қолишди.

- Қани, кетдик!
Бу орода ичкаридоги босқинчилар хоналарни бирма-бир тит-питини чиқариб, қўлга илинган нарсаларни сумкаларга жойлаб бўлишган, ҳовлидоги шовқин-суронни эшитиб, шовшиб қолишганди. Улар дарвоза олдида ҳамон мотори ишлаб турган машинани кўриб, нима ҳодиса рўй берганлигини қисман тушуниб етишганди.

- Баҳодир, Аҳмад юқларни бағажга тикларинг. Те-тези! Намунча иммиляйсонлар! - бошқаларга қараганда ҳам Кавказ тамом оромини йўқотганди. - Бўлдим, қиларинг, энди. - У шундай дея биринчи бўлиб ўзи ҳайдовчи ўрнига ўтирди.

Гуёуллаб турган машинани орқага юргизиб, йўлакдан катта йўлга чиқазди. Газ педалини қаттиқ босди. «Subaru» шиналаридан чийиллаган овоз чиқариб, жойидан кескин кўзгалди.

Кавказ юқори тезликда учиб кетаётган машинани маҳорат билан бошқариб кетаркан,

уйни тўнаш вақтида пойлоқчиликда қолган Шералига захрини сочди:

- Кўзингни уйку босганимди, палид? Тумшўнгни тагига келиб турибдию, «миқ» этмасан. Яхшиямки, бир ўзи экан...

- Кўчада тўсатдан пайдо бўлиб қолди. Катта тезликда келаётганди. Утиб кетса керак, деб ўйловдим...

Кавказ машинани Эски шаҳарга олиб борадиган жин қўчаларга бурди. Ниҳоят, машина Марказ-26 даҳасидаги кўп қаватли уйлاردан бирининг ёнида тўхтади. Бувёи «қораргоҳ»га бир қадам. Босқинчилар машина солонини ҳам бир «кўрик»дан ўтказишди. Ҳайрланган моллар қатарига «Nikon» фотоаппарати ва 500 сўм пул ҳам қўшилди. Машинадан ҳаммадан кейин тушган Махмуд ниманидир эслагандек, орқа ўриндикка қайта ўтирди. Сўнг орқа лабовой ойнани

Ниҳоят, Кавказ шотирларига тўпланишни буюрди. Яна бир «ўлжа» топилиши, унга тўзук кўйишни режалаштириш лозим эди.

1996 йил, 24 март.

«Замонадот» кўчасига тахминан икки бекатча қолганда, Кавказ тақсичига шу ерда тушиб қолишларини айтди. Кекса тақсичи ярим тунгача «тренировка» билан машғул бўлган «спорт»чилар билан ҳисоб-китоб қилгач, йўлга тушди. «Спортчилар» биттадан сигарет тутатишгач, «объект» томон юришди. Атроф бирровғина кўздан кеңирилгач, асосий «ишга» киришилди. Бу ёғи эса эса «сценарий» бўйича давом этди.

«Кавказчи»лар ҳовлига киришга кирдилар-у ўй эшикларидан биронтасини ҳам оча олмадилар. Ҳайдаги қулфланмаган

каз Баҳодирга ишора қилиб: - Мана, орзу қилган «Нексия»нг, қани рулга ўтир-чи, деди.

Баҳодир бошқарувидаги машина Кавказ кўрсатган йўллар орқали яна Марказ-26 даҳасидаги кўп қаватли уйлар ёнига келиб тўхтади. Гуруҳдагиларнинг бирави машинанинг йўлракларини ечиб олишни таклиф қилди. Шундай қилинди ҳам. Босқинчилар «бугунги насиба-миз шу экан-да», дейишиб, «қароргоҳ» сари йўл олишди.

Изқуварлар уй эгаси - А. Асатовга эртаси кун «объект» қолган машинасини топиб беришди.

Кавказ ниҳоятга етганди. Оғзидан чиққан сўзни икки қилмайдиган, гаҳ деса қўлига кўнадиған йигитлардан яхшигина гуруҳ тузишга муваффақ бўлди. Улар-



оёғи билан тепди. Қаттиқ зарб таъсирида ойна жойидан кўчиб, бир неча бўлакка бўлиниб кетди.

Босқинчилар оғир сумкаларни кўтарганча, машинадан узоқлашдилар.

Изқуварлар воқеа жойига келиб, бирон-бир из топиш ниҳоятда ҳар қарич ерни синчиқовлик билан кўздан кеңириб чиқишди. Аммо, жиноятни очишга ёрдамлашувчи арзигулик ҳеч вақо топишолмади. Жабрла-нувчилардан ҳам жўяли гап чиқмади. «Жиноятчилор юзларига қора никоб кийган, тўппонча, пичоқлар билан қуролланишган эди. Ҳеч бирини таний олмадик, падарлаёнати-ларни», дейишдан нарига ўтишолмадилар.

Сўнги пайтда шаҳарда юз бераётган босқинчиликлар айнан бир ёки бир неча гуруҳ томонидан содир этилаётганлигига изқуварларда ҳеч шубҳа йўқ эди. Негаки, юз берган бундай жиноятларнинг барчаси тўрт-беш кишилик гуруҳ томонидан амалга оширилаётган, босқинчилик усули ҳам айнан бир хил эди. Хўш, қайси гуруҳ? Гуруҳ аъзолари қимлар? Изқуварлар ана шундай соволларга жавоб топишга ҳамон ожиз эдилар.

«Кавказ» гуруҳи эса «иш»нинг орти совушини кутиб, бир неча кун бурчак-бурчакда бекиниб ётишди. Ҳатто, бир-бирлари билан махсус хабар келмагунча учрашмай туришди.

яғона эшик эса ертўлага олиб тушаркан...

Қимдир эшикни бузишни таклиф қилди. «Ортикча даҳмаза тундиради», деб Кавказ бунга рози бўлмади. Лекин гуруҳнинг оёқостидаги «ўлжа»дан бена-сиб кетгиси келмасди.

Ҳовлида турган яп-янги «Нексия» «мана, мен» деганча жиноятчиларга ўзини «кўз-қўш» қилиб турарди. Машинанинг эшик-лари қулфланмаган, ҳатто калити ҳам ўт олдиригичда турган экан. Баҳодир шоша-пиша машинага ўтириб, калитни бурасмоқчи эди. Шерали уни бир силтаб машинадан тушурди. Жиноятчилор «Нексия»ни ҳовлидан итариб чиқаришгач, Кав-

дан кўнгли тўқ. Ҳаммаси куч қувватга тўлган, чаққон болалар. Шу пайтгача қилинган «иш»лардан ҳали биронтасини ҳам «миси» чиққани йўқ. У фақатгина Махмуддан ховотир оларди. Кейинги пайтда у «доричи»лар билан олди-бердини кўпайтириб юборди. Иш-қилиби қовун тушириб қўймаса бўлгани...

1996 йил, 4 май.

А.Ойдиновнинг хонадонига босқинчилар осонлик билан кириб олишди. Уй эгаларига доғ-дағ қилишнинг ҳождоти ҳам қолмади. «Кавказ»чиларнинг қурол-яроғини, никоб астидан

совук нур таратиб турган кўзларини кўрган уй эгалари «Жинийлини омон қўйсаларинг бўлгани, олганларингни оловёринглар», дея ялиниб-ёлвордилар. Хоналар тинтиб чиқилгани билан гуруҳнинг иштакосини қондирувчи «емиш» топилмади.

- Музоқарога уставсиз шеклилли-а, мезбон ака? Сувдан қуруқ чиқиб кетомқчи бўлайсизми, дейман. Унақаси кетмайди. Бизга латта-путта эмас, пул керак, пул! Сотилган квартиранинг пуллари қарга бекитгансиз? Қани, кўрсатинг-чи ёки мана бу билан пешонанигиздан дарча очиб қўяйинми-а?

Кавказ қўлидаги тўппончани унинг пешонасига тираши билан, бечора дағ-дағ титраб, тили қалимага келмасди.

- Ҳалиям айтмайсизми? Унда Наргизингиз иштирокида бир кино кўрсатимиз. Сизга қизингизнинг номусини ҳимоя этишдан кўра, пулларни ҳимоя қилиш афзалроқми, дейман. Шерали, қани бошла-чи!

Шерали Кавказнинг буйруғига биноан ота-онасининг пинжга тикилган қизга ёпишди. Қиз отасининг қўлига маҳкам ёпишгунча чинқириб юборди.

- Бўлди, Шерали, бўлади. Мана, ақлли одам-да, эс кириб қолди.

Шундай қилиб, А.Ойдиновнинг квартирасини сотиб олтирган 4920 АҚШ доллари ва 6300 сўм пули, хотинининг қўлоғидаги тилла зирак тунги «меҳмон»лар қўлида кетди.

Тегишли органлар қўлида «Кавказ» гуруҳи ҳақида анча-мунча маълумотлар тўпланиб қолганди. Фақат бу орода «гуруҳ» фаолиятида «таътил» бошланган, Кавказ тўсатдан қаергадир қўйиб бўлган эди. Шотирлари уни қидириб роса сарсон бўлишди. Ҳар бир қаддини тўдабошининг кўрсатмасига биноан босадиган «кавказчи»лар, ҳассасини йўқотган кўрга ўхшаб қолган эдилар.

Кавказ хато қилмаганди. Гуруҳнинг бошига Махмуд етди. У навбатдаги гёвёндан модда «олди-берди»си чоғида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Шундай қилиб, «Кавказ» кўрғонига олиб борувчи «йўл» топилиди.

Фарход ШАЙМОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори.
Дилшод ИСЛОМОВ,
«Хукук» муҳбири.

• Ажаб дунё

СУДНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛМАЙ ҲАМ КЎР-ЧИ?
Бизда бўлгани сингари америкаликларда ҳам цент долларни тежайди, деган нақл бор. Парк-ерсберг шахрилик (Фарбий Виржиния штати) Гэри Вагнер шу нақлга амал қилиб, суд солган 441 доллар жаримани ўзи йиғиб юрган центлар билан тўламоқчи бўлди. У мушгашгани учун жарима билан жазоланганди. Белгиланган муддатда 12 қопда тўлдирилган центларни суд бонисига олиб борди. Лекин улар центларни шундайлигича қабул қилишмади: ҳар бир кичик қорғоз халтага 50 дона центдан солиб, тахлаб топширишни буюрди. Бирок, бунга Вагнер кўнмади. Аммо, барибир суднинг қўли балан келди. Судга хурматсизлик қилгани учун Вагнерга қўшимча равишда яна 150 доллар жарима солинди.

МАСТ ҲОЛДА ОТ МИНГАНИ УЧУН
Американинг Кентукки штати кўчаларидан бирида отда кетаётган 20 ёшли йигитни полициячи тўхтади ва жарима солди. Сабаб: йигит

маст эди. Шунинг учун полициячи рапортга «маст ҳолда моторлашмаган «транспорт» воситасини бошқаргани учун», деб ёзиб қўйди. Йигитнинг «отим ақли, уйни ўзи топиб боради, шунинг учун ҳам мен унга ишониб ичган эдим», деган сўзларига ҳам қарамай полициячи уни жазолади.

Агар машина миниб қолса борми, нақд...
Кентуккида 1991 йилдан эътиборан маст ҳолда транспорт ошқариш таъқиқланади. Ушандан буён 23 та велосипед минган йўловчи ва бир ноғирон маст ҳолда аравачасида юрган учун жазоланган. Энди улар орасига чавандоз ҳам қўшилди.

ТИЛАНЧИНИ ТУНАШДИ
Икки оёғи йўқ бир қария Свердловск темир йўли шохбекатининг бир чеккасида тиланчилик қилиб ўтирарди. Унинг телгагида нафақат тангалар, балки қорғоз пуллар ҳам бор эди. Чол ўтган кетгандан садақа сўрай-сўрай чарчади, шекилли кўзларини уйку элитди. Бир пайт туриб қараса, на пул бор, на ишқирт теллак. Бетовфиқлар бу бечорани ҳам тунаб кетишибди.

* (Охири. Боши ўтган сонда).

Шокир АХРОРОВ

ҚАБРДАН ҚАЙТГАН УМР

(Детектив ҳикоя)

- Утиринг, - деди ҳайдовчи ёнидаги ўриндиққа имо қилиб. Юзларини ажин қоплаган ҳайдовчи Мухторга бир икки қараб кўйди-да:

- Ҳа, дўстим, эрта тонгдан йўл бўлсин, - деб сўради.

- Шаҳарга, - деди Мухтор.

- Зарур иш борми, дейман?

- Шунақа, амаки, - деб жавоб қайтарди-да, кейин сукутга толди. «Бўлиб ўтган ишларни унга бир бошдан гапириб берсам-чи, кўринишидан анча мулоҳазали одамга ўхшайди. Балки, шу боҳонада ундан бирон-бир жўяли маслаҳат чиқиб қолар».

- Сизга растини айтсам, амаки...

Мухтор сўнги икки кун давомида бошидан кечирган воқеаларни бир бошдан гапириб берди. Унинг ҳикоясини тинглаб, ҳайрат ичида қолган ҳайдовчи:

- Э, қойил-э, ука. Юрагингизга қойил. Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда ўтакам ёрилиб ўлардим, - деди.

- Ҳа, энди, худо берган умрим бор экан.

- Хотинингиз номард экан, тўппа-тузук йигит экансиз. Ҳозирги аёлларга ҳам ҳайронман...

- Ҳозир роса бошим қотган. Қандай қилиб бўлса-да, унинг

хиёнатини, менга суиқасд уюштирганлигини исботлашим керак.

- Менда бир таклиф бор, - деди ҳайдовчи. - Сизни уйга таклиф қилмоқчиман. Бир пиёла чай дегандек. Қиёматли ошна бўлардик. Э, ўғлим менинг тақдирим ҳам бир қисмат. Елғиз қизим бор. Катта ҳовлида яшаймиз. Утган йили хотиним вафот этган эди. Юрагим бемор, нафақадан. Одам ишдан узилиб қолса, зеркиб қоларкан. Узим етим ўсганман, ука. Тақдиримиз яқинми дейман?..

Мухтор унинг гапларини жимгина тинглаб борарди. Бу дунёда ҳамманинг ҳам ўзига яраша дардлари борлигига имон келтирди.

Бу пайтда машина шаҳарнинг раvon кўчалари бўйлаб борар эди. Ҳайдовчи улловини тор кўчалардан бирига бурди-да, шинамгина қурилган уй олдида ўхтарди.

- Мана, етиб ҳам келдик. Қани меҳмон, уйга. Қизим ҳам кутиб ўқирди.

Кўнғирокка жавобан, эшик очилиб, эгнига гулдор ҳалат кийган кўхликка қиз кўрди. Ичкорига киришди. Ҳовли ҳақиқатан кенг, тоза, озода экан.

Мухтор ўзининг уйини кўз олди-га келтириб, унинг соришталикдан анча йироқлигига ачинди.

Ҳайдовчининг қизи бир зумда дастурхон тузатиб, исскиккана чай дамлаб келди. Ҳайдовчи қизини ҳам ўтиришга таклиф қилиб, ёнидан жой кўрсатди.

- Бу менинг қизим - Гўзал.

- Хурсандман, - Мухтор бир оз ҳаяжонлангандек бўлди.

Шу пайт эшик кўнғироғи яна жиринглаб, уй эгасини қимдир боланд овозда чакрди. Ҳайдовчи ўрнидан кўзгала туриб:

- Э, Ҳа, менинг исми Хайдар, шунча гаплашибмиз-у. Сизники, Мухторжон эди-а?

Мен ҳозир, - деди-да, шошиб дарвоза томон йўналди.

Мухтор дастурхоннинг бир четидан кўз узмай турган қизга бир-икки бор ўгринча қараб олди-да:

- Стангиз билан бирга турасизларми? - деб сўрошга журъат этди.

- Ҳа. - Қиз кискагина жавоб берди.

- Куёв ҳам шу ерда яшайдими? Ишдами, дейман, кўринмаяпти?

Гўзал бир муддат жим қолди. Сўнг секингина:

- Турмушимиз бузилган, - деди.

(Бошланғичи ўтган соғларда. Давоми бор).

• Бир чимдим кулгу

Бир кишиникига узок қариндоши меҳмонга келиб, роса ётиб олибди. Меҳзон қараса, меҳмон ҳали-бери жўнайдиған эмас. Меҳзон шайма қилибди:

- Бу дейман, бола-чақаларни ҳам соғингандирсиз?

- Жуда соғиндим. Телеграмма юбормасам бўлмайди. Эртага келишади.

Қанчалик кўп ўқисак, шунчалик кўп биламиз. Қанчалик кўп билсак, шунчалик кўп унутамиз. Қанчалик кўп унутсак, шунчалик оз биламиз. Қанчалик оз билсак, шунчалик оз унутамиз. Қанчалик оз унутсак, шунчалик кўп биламиз. Бинобарин, ўқиб нима қиламиз?

Журналист бир кинаактрисадан сўрабди: - Сиз Шекспирни яхши кўрасизми? - Бунақа саволларга жавоб беришни истамайман. Бироздан кейин актриса юмшабди: - Ҳа, майли. Биз у билан қалин дўстмиз. Шундай деб ёзақолинг.

Ходим хўжайинига: - Агар мансабимни кўтармасангиз хотиним мени ташлаб кетмоқчи. Утиниб сўрайман, мансабимни кўтарманг.

Тонг палласида полициячи йўлқанинг чеккасида мудраб ўтирган ёши ўтиб қолган эркак билан аёлни учратди.

- Бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар?

- Биласизми, қалитни унутиб қолдирибмиз. Энди болаларимизнинг қайтишини кутаяпмиз.

Бир хотин фотографа марҳум эрининг сувратини олиб келибди.

- Шу суратни катта қилиб бера оласизми?

- Ҳа, албатта.

- Бошидаги шляпасини олиб ташлай оласизми?

- Албатта. Фақат унинг сочлари қанақа бўлганини бизга айтсангиз бўлди.

- Нима учун? Шляпасини олиб ташлагач, ўзингиз кўраверасиз.

KROSSWORD

Энига: 1. Украинадаги порт-шаҳар. 3. Ҳарбий денгиз флотларидаги унвон. 7. Йиртқич қўш. 9. Қитъа. 11. Кўлнинг тангага яқин қисми. 14. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 15. Республикадаги вилоят. 16. Уқув юртида билим олувчи. 17. Дунё борлиқ. 19. Жанубий Америкада кенг тарқалган, гўшти, жун ва улов учун боқилдиган ҳайвон. 20. Қадам. 22. Металлдан ясалган пўл бирлиги. 25. Туркиядаги шаҳар. 27. Қурилиш аҳси. 29. Араб алифбосидаги харф. 30. УзДЭУавто хойлашган шаҳар. 32. Фўнгилаб унади, чакан жойи ишшиди. 33. Европадаги давлат пойтахти. 35. XVII-XX асрларда Европа давлатлари армияларида аралаш сафда туриб жанг қилишга қодир отлик аскарлар. 38. Африкадаги давлат. 42. Муомала, боғланиш. 44. Торли, қамонли шарқона мусика асосби. 45. Хитойдаги мўъжизаларга бой тоғли улка. 48. Ундан тайёрланадиган совуқ таом. 49. Лох-Несс кўлидаги махлук. 51. Россиянинг кучли футбол жамоаларидан бири. 53. Хон, подшоҳларнинг ҳарбий хизматчиси. 56. Шимолий Америкадаги давлат. 58. Вақт бирлиги. 59. Бўғин ва мушакларнинг ялғиланиш касаллиги. 60. Тропик меза. 62. Шарқона чекимлик. 63. Расмий ёзма илтимос, шикоят. 66. Европадаги давлат пойтахти. 68. Кураш тури. 70. Шимолий муз океанидаги денгиз. 71. Хат-мақтуб. 74. Донишманд, билимдон. 77. Уйнинг келинчақ учун «тилло» қисми. 78. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик достони. 80. Ривоят, афсона. 81. Бирон нарсанинг қозоғга чизилган шакли, тасвир. 82. Пиллалар. 83. Қиз боланинг қири. 84. Европадаги давлат пойтахти. 85. Фаршталардан бири.

Бўйига: 1. Дарахта яшовчи ҳайвон. 2. Европадаги давлат пойтахти. 4. Виждон, инсоф. 5. Санок сон. 6. Тарихий ёки тўқима ходисани ақс эттирган асар. 7. «Қиска» сўзининг синонимини. 8. Ўзбек халқ афсонасидаги қаҳрамон аёл тинисоли. 9. Роҳат, ҳузур. 10. Сув тошуни. 12. Оз. 13. Қасд олишга ундовчи тўғу. 18. Ерни текислашда ишлатиладиган қишлоқ кўжалиги қуроли. 19. Перу давлатининг пойтахти. 21. Ўнглик, кашфиёт. 23. «Қимлат»нинг ақси. 24. Эртлашар меза. 26. Арманистоннинг таниқли футбол жамоаси. 28. Миллий мусика асосби. 31. Бир неча вгончи бириктириб ясалган сув транспортли. 32. Улкан илон тури. 34. Инжу, дур. 35. XIX асрда яшаган таниқли инглиз табиишунос олими. 36. Машҳур кўнғичиларимиздан бири. 37. Соқол олишда ишлатиладиган мослама. 39. Канададаги шаҳар. 40. Туркиядаги шаҳар. 41. Юаниссик, ёқимли. 43. Қозок адабиётининг йirik вакили. 46. Уй ҳайвони. 47. Шамол, шабада. 50. Қарвонбоши. 52. Иқтисодий, ҳуқуқий мақсёлари билан фарқ қилувчи кишилар гуруҳи. 54. Углининг қаттаси. 55. Дурадгорлик асосби. 56. Хунарманд. 57. Инжу. 61. Фигон, фарёд. 63. Шамсия йилининг бешинчи ойи. 64. Йўловчи ташувчи автомобиль. 65. Россиядаги Олтой ўлкасининг маркази. 67. «Парда ортда бағри кон қизлар». 68. Хумдорлар насли. 69. Замондош ўзбек шоири. 70. Таом солинадиган идиш. 72. Муқаддас зот. 73. Шерий ҳажвий асар. 75. Жума қуни. 76. Инсоннинг асосий егулиги. 79. Ут-олов.

3. ҲАХАНОВ,

Поп тумани Халқ банки бўлими ходими.

Газетанинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1. Тошбақа. 6. Динозавр. 8. Қамолот. 10. Онг. 13. Оркестр. 14. Абдиқат. 15. Аро. 16. Алт. 18. Оро. 19. Татар. 21. Булу. 23. Жин. 24. Қотиб. 27. Ибн. 28. Артур. 30. Тарок. 32. Майна. 33. Қарши. 34. Нидерландия. 36. Ишқом. 39. Банан. 41. Волага. 42. Қарам. 43. Арт. 44. Авлиа. 45. Оғу.

Бўйига: 1. Товус. 2. Берн. 3. Аска. 4. Иншоот. 5. Достон. 6. Динамика. 7. Зақот. 9. Сият. 10. Ора. 11. Гап. 12. Илонбош. 17. Лит. 20. Арра. 22. Улоқ. 25. Скартув. 26. Ибратли. 28. Анков. 29. Уйинг. 31. Адиба. 35. Қалъам. 37. Шифокор. 38. Мою. 39. Банк. 40. Арғимчоқ.

Бўйига: 46. Бойсун. 47. Болта. 49. Йўлни. 50. Анкара. 52. Аср. 53. Лак. 54. Том. 57. Амаки. 59. Милла. 61. Олти.

Энига: 46. Бобур. 48. Майка. 51. Кио. 52. Акт. 55. Ном. 56. Йўлбар. 58. Олмалик. 60. Ром. 62. Сумалек. 63. Олтиарк. 64. Иштихон.

Бош муҳаррир: Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Дилшод Исмолов (масъул қотиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

А.Мамадулоев суратларидан фойдаланилди.

Муаллифларнинг фикри тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Кўриб босилганда «Хуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Хуқуқ» оригинал макети. Газета PENTIUM - II mpx компьютерида саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюқ Турон кўчаси - 41. Нухжаси - 18297. Буюртма Г-0230. Бичими А-3.

Навбатчи: Д.ХАЛИЛОВ. Сотувда эркин нарҳда.

Босишга топшириш вақти: 20.00. Босмаҳонага топширилди: 18.18

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

Хуқуқ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Конун ҳикоясида» журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яхё Ғулмом кўчаси, 66-уй.

Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.